

УЎК: 339.137.22

ЎЗБЕКИСТОН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОНОПОЛ КУЧИНИ ЛЕРНЕР ИНДЕКСИ АСОСИДА БАҲОЛАШ

Ханнаев Шерзод Курбонназарович,
«Инвестициялар» кафедраси катта ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон банкларининг монопол кучини баҳолашда Лернер индекси-дан фойдаланилди. Лернер индекси жами харажатларнинг транслог функцияси асосида маржинал харажатлар ҳисобланган ҳолда баҳоланди. Таҳлил учун 1999–2018 йилларда Ўзбекистонда фаолият юритган банклар танлаб олинди. Таҳлил йиллар кесимида ҳамда банкларнинг мулкчилик шаклига кўра амалга оширилди. Вақт ўтган сари банкларнинг монопол кучи камайганлиги эмпирик исботланди. Мулкчилик шаклига кўра банклар давлат банклари, акциядорлик тижорат банклари, хусусий банклар ҳамда хорижий банкларга ажратилган ҳолда таҳлил қилинди. Таҳлил натижаларига кўра, давлат банклари кўпроқ монопол кучга эга бўлган бўлса, хусусий банкларнинг монопол кучи эса энг паст даражада эканлиги аниқланди. Давлат билвосита эгалик қилувчи банкларнинг ҳам монопол кучи вақт ўтиши билан пасайган. Хорижий банкларнинг ўртача Лернер индекси ҳам вақт ўтиши билан тушган. Аммо бошқа мулкчилик шаклига эга банкларга қараганда хорижий банкларнинг монопол мавқеи ошган.

Таянч тушунчалар: банк тизими, банклараро рақобат, монопол куч, монополистик рақобат, жами харажатлар функцияси, маржинал харажатлар.

ОЦЕНКА МОНОПОЛЬНОЙ ВЛАСТИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ УЗБЕКИСТАНА НА ОСНОВЕ ИНДЕКСА ЛЕРНЕРА

Ханнаев Шерзод Курбонназарович,
старший преподаватель кафедры «Инвестиции»

Банковско-финансовая академия Республики Узбекистан

Аннотация. В статье для оценки монопольного влияния узбекских банков используется индекс Лернера. Этот индекс рассчитывался как предельные издержки на основе функции транслога общих затрат. Для анализа были отобраны банки, действовавшие в Узбекистане в 1999-2018 годы. Анализ проводился по годам и формам собственности банков. Было эмпирически доказано, что монопольная власть банков с течением времени уменьшилась. По форме собственности анализировались банки: государственные, акционерные коммерческие, частные и иностранные. В результате выяснилось, что государственные банки обладают большей монопольной властью, частные банки – в меньшей степени. Монопольная власть банков, косвенно государственных, со временем уменьшилась. Средний индекс Лернера иностранных банков также снизился с течением времени. Однако монопольное положение иностранных банков возросло по сравнению с банками других форм собственности.

Ключевые слова: банковская система, межбанковская конкуренция, монопольная власть, монополистическая конкуренция, функция общих затрат, предельные издержки.

ESTIMATION OF MONOPOLY POWER OF UZBEK COMMERCIAL BANKS BASED ON LERNER INDEX

Khannaev Sherzod Kurbonnazarovich,
Senior lecturer, «Investments» Department

Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan

Annotation: In this article, the Lerner index was used to assess the monopoly power of Uzbek banks. The Lerner index was estimated by calculating marginal costs based on the translog function of total costs. Banks operating in Uzbekistan in 1999-2018 were selected for the analysis. The analysis was conducted over the years based on the form of ownership of banks. It has been empirically proven that the monopoly power of banks has decreased over time. According to the form of ownership, banks were analyzed by state banks, joint-stock commercial banks, private banks and foreign banks. The analysis showed that the state-owned banks had more monopoly power, while the private banks to a limited extent. The monopoly power of indirectly state-owned banks declined over time, as well as the average Lerner index of foreign banks has also declined. However, the monopoly position of foreign banks has increased compared to banks with other forms of ownership.

Keywords: banking system, interbank competition, monopoly power, monopolistic competition, total cost function, marginal cost.

Кириш

Ўзбекистон молия тизимининг асосини банк тизими ташкил этади. Мустақилликдан кейин икки поғоналига ўтган банк тизимида тижорат банкларининг сони нисбатан барқарор ҳолатда бўлса-да, уларнинг бозордаги улуши ва монополистик кучи турлича бўлиши мумкин. Тижорат банкларининг монополистик кучини аниқлаштириш учун банкларнинг ўзаро рақобатини ўрганиш муҳим масала ҳисобланади. Банк хизматлари бозоридаги рақобат муҳитини объектив ҳамда миқдорий шаклда ўрганиш илмий ва амалий томондан долзарб ҳисобланади. Илмий томондан долзарблиги шундаки, шу пайтгача мамлакатимизда банк хизматлари бозоридаги рақобат объектив ва миқдорий шаклда ўрганилмаган ва банк бозоридаги рақобат муҳитининг тадқиқ қилиниши тижорат банклари ўртасидаги рақобат ҳақида объектив илмий фикр шаклланишига олиб келади. Амалий томондан эса банк хизматлари бозоридаги рақобат муҳити ҳақидаги илмий натижалар иқтисодий чоратадбирлар ишлаб чиқувчи регуляторлар ва ҳукуматга банк хизматлари бозорида соғлом рақобат муҳитини яратишда қўл келиши мумкин.

Илмий адабиётларда банк бозорида рақобатни баҳолашнинг икки методи мавжуд. Улар тузулмавий ва нотузулмавий деб юритилади ва турлича назарий асосга эгадир. Тузулмавий баҳолаш бозор тузулмасига доир назарий асосдан келиб чиқади. Бозор тузулмасининг 4 та асосий тури мавжуд бўлиб, улар мукамал рақобат, номукамал рақобат, олигополия ва монополияга бўлинади. Анъанавий индустриал ташкилот назариясига асосланган рақобат ўлчови айнан юқорида келтирил-

ган бозор тузулмаси турларига асосланган йўналиш ҳисобланади ва у «тузулма – ҳаракат – натижа» тамойилига асосланади. Ушбу метод монопол кучни баҳолашда корхонанинг бозордаги улуши, йирик корхоналарнинг концентрация нисбатлари ва Херфиндаль-Хиршман индексларидан фойдаланади.

Нотузулмавий баҳолаш йўналиши эса бозордаги рақобат бўйича тузилма эътиборга олинмайдиган янги индустриал ташкилот назариясига асосланган бўлади. Ушбу йўналишда монопол кучни баҳолашда Н-статистик кўрсаткичи [1, 2] ва Лернер индекси [3] қўлланилади. Ушбу икки кўрсаткич рақобат муҳитини баҳолашни ва корхонанинг рақобатчилик ҳаракатини синовдан ўтказишни бозор тузулмасига доир маълумотларсиз амалга оширади.

Бозордаги рақобатни банкнинг монопол кучини баҳоловчи индекс сифатида иқтисодий адабиётларда кенг қўлланиладиган индекс Лернер индекси ҳисобланиб, у Абба Лернернинг 1934 йилда The Review of Economic Studies илмий журналида чоп этилган мақоласида келтирилган. Монополист туфайли юзага келадиган ижтимоий йўқотишни, яъни нархдан маржинал харажатларни айириб ташлагандан кейин юзага келадиган фарқни монополистнинг фойдаси деб эътироф этишдан кўра, ушбу фарқни аллокацион самарасизлик сифатида талқин этиб, Лернер асосий эътиборни монополистнинг фойдасидан кўра унинг самарасизлигига қаратади.

Лернер индекси $(P-MC)/P$ шаклида ҳисобланиб, у ноль ва бир интервалида ётади. Бунда P монополист томонидан ўрнатилган нарх бўлса, MC эса унинг маржинал харажати. Агар ушбу икки кўрсаткич орасидаги

фарқ катта бўлса ёки МС нолга яқинлашиб борса, унда монополистнинг монопол кучи ошиб бораверади. Агар Лернер индекси нолга тенг бўлса, унда бозорда соф рақобат муҳити ҳукм сураётган бўлади. Агар индекс бирга тенг бўлса, унда аксинча бозорда мутлақ монопол кучга эга банк мавжуд бўлади.

Лернернинг фикрига кўра, рақобатни баҳолайдиган бошқа муқобил кўрсаткичларнинг бир қатор камчиликлари мавжуд. Бир тармоқда фаолият юритадиган корхоналар сони ёки концентрацияси рақобатни баҳолашда етарли даражада бой маълумотга эга эмас ва бозор билан боғлиқ муаммоларни ҳисобга олмайди. Шунингдек, рақобатни ўлчовчи муқобил кўрсаткичлар корхона маҳсулот ҳажмини қисқартириб, қанчалик нархни ошира олишини ифодаловчи талаб эластиклигини ҳам инобатга олмайди.

Иқтисодиётдаги ўзгаришларни, статистик маълумотларнинг бир-бирига таъсирини ифодаловчи ҳар бир эконометрик моделнинг ўзига яраша камчиликлари бўлганидек, Лернер индекси ҳам камчиликлардан ҳоли эмас. Айрим камчиликларни Лернернинг ўзи таъкидлаган бўлса, айримлари эса бошқа иқтисодчи олимлар томонидан билдирилган. Лернернинг ўзи индекс корхона монопол кучга эга бўлгандан кейин ишлаб чиқариш омиллари қўлга киритишда монополист кучга эга бўлиб, ресурсларни арзон нархда қўлга киритиши мумкинлигини акс эттира олмаслигини таъкидлайди. Зеро, Лернер индекси фақат нарх орқали рақобат ва монополияни акс эттиришга ҳаракат қилади. Инновация, технологик ўзгариш, ноу-хаулар орқали ҳам ижтимоий оптималликка эришган бўлса-да, уларни нарх орқали ифодалаб бўлмайди [4].

Адабиётлар шарҳи

Турли мамлакатлар мисолида Лернер индекси асосида амалга оширилган таҳлиллар банкларнинг монопол кучи тўғрисида айрича хулосалар шаклланишига олиб келган [5–11]. Бу албатта, мамлакатлардаги молиявий секторнинг ривожланган даражасига ва молия бозорига давлат аралашуви кўламига боғлиқдир.

Ҳиндистон банк тизимидаги рақобатни Arrawatia, Misra ва Dawar [12] Лернер индекси асосида тадқиқ қилган. Бироқ, у Лернер индексини рискни ҳам ҳисобга олган ҳолда

баҳолайди. Риск ҳисобга олинган Лернер индекси натижасига кўра, Ҳиндистон банк тизимида рақобат муҳити вақт ўтиши билан кучайган. Анъанавий Лернер индексига қараганда риск ҳисобга олинган Лернер индекси Ҳиндистон банкларининг монопол кучи паст даражада эканлигини ва банклар кучлироқ рақобат муҳитида фаолият юритишини кўрсатади. Уларнинг натижасига кўра, риск ҳисобга олинган риск индекси 1996 йилдаги 11,97 % дан 2016 йилга келиб 9,3 % гача пасайган. Аммо, анъанавий Лернер индексига кўра, ушбу даврда мос равишда 11,38 % дан 17 % гача ошган.

Чехия банклари мисолида Horvath, Seidler ва Weill [13] томонидан амалга оширилган тадқиқотга кўра, банк бозорида рақобатнинг кучайиши ликвидлиликни яратишни камайтиради. Яъни, банк бозорида монопол кучнинг ошиши ликвидлилик яратишни оширади. Бошқача қилиб айтганда, рақобатнинг кучайиши банкларнинг фойдаси камайишига олиб келади ва банкларнинг ликвидлиликни яратишга бўлган рағбатини пасайтириб, салбий шокларга таъсирчанлигини оширади. Умуман олганда, 2002 йилдан 2010 йилгача бўлган даврда Чехия банкларининг Лернер индекси 0,49 дан 0,55 гача ошган. Бу ўз-ўзидан таҳлил даврида Чехия банкларининг монопол кучи ошганлигини англатади. Чехияни ўз ичига олган бошқа бир тадқиқот Huang et al., [15] томонидан амалга оширилган. Тадқиқотда 5 та давлат, яъни Болгария, Россия, Латвия, Польша ва Чехия банк тизимидаги рақобат Лернер индекси асосида таҳлил қилинган. Таҳлил натижаларига кўра, ушбу давлатлар банк тизимида Лернер индекси 0,2 ва 0,3 атрофида бўлган. Хусусан, 2000 йилдан 2008 йилгача бўлган даврда Россиядан ташқари бошқа давлатлар банкларининг монопол кучи бироз ошган. Шунингдек, тадқиқотга кўра банкларнинг бозор кучи ва харажатлар бўйича самарадорлиги ўртасида ижобий боғлиқлик мавжуд. Бу, ўз навбатида, ушбу давлатлар банклари учун «осуда ҳаёт» гипотезаси ишламаслигини англатади.

АҚШ банк тизимидаги банкларнинг монопол кучи Spierdijka ва Zaourasa [16] томонидан амалга оширилган тадқиқотда тадқиқ

этилан. АҚШ банк тизимида банкларнинг ҳажми турлича бўлганлиги учун Лернер индекси ҳисоблаш банкларнинг ҳажмини ҳисобга олишни тақозо этади. Банкларнинг кўлами ҳисобга олинган Лернер индексига кўра, АҚШ банкларининг аксарият қисми сезиларли даражадаги монополь кучга эга. Шунингдек, улар тақдим этган Лернер индекси анъанавий Лернер индексидан 60-85 % ҳолатларда юқори чиққан.

Турли давлатлардаги банкларнинг йирик тўплами асосидаги тадқиқот Соскоресе [17] томонидан амалга оширилган. У ўз тадқиқотида банклар монополь кучини тадқиқ этиш учун 87 та давлатнинг банк секторини қамраб олади. Эмпирик натижага кўра, ушбу давлатдаги банкларнинг ўртача Лернер индекси 0,11 атрофида бўлган. Шунингдек, қитъалар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, банклараро рақобат Европада бўлиб, банкларнинг монополь кучи юқори бўлган қитъа Африка ҳисобланади. Шунингдек, аҳоли даромадига кўра таҳлил қилинса, қашшоқ мамлакатларнинг банк тизими монопольлашган, бой давлатларнинг банклари эса кучли рақобат шароитида фаолият юритади. Агар банклар ихтисослашганлиги бўйича таҳлил қилинса, Ислоний банклар бошқа банкларга қараганда монопольлашган. Булардан ташқари, банк монополь кучининг ошиши унинг активлари қайтими (ROA) ошишига олиб келиши ҳам эмпирик исботланган.

Методология ва ўзгарувчилар

Эмпирик модель

Лернер индекси банклараро рақобатни баҳолашнинг нотузилмавий индикаторлар йўналиши ҳисобланади. Лернер индексини баҳолашда харажатларнинг транслог функциясига асосланилди [13, 18–21]. Қуйида харажатларнинг транслог функцияси келтирилди:

$$\begin{aligned} \ln(TC_{it}) = & \alpha + \beta_1 \ln TA_{it} + \frac{1}{2} \beta_2 \ln^2 TA_{it} + \sum_{j=1}^3 \gamma_j \ln w_{jit} \\ & + \frac{1}{2} \sum_{j=1}^3 \sum_{k=1}^3 \gamma_{jk} \ln w_{jit} \ln w_{kit} + \frac{1}{2} \sum_{j=1}^3 \psi_j \ln TA_{it} \ln w_{jit} + \theta_1 T \\ & + \frac{1}{2} \theta_2 T^2 + \kappa \ln TA_{it} T + \sum_{j=1}^3 \rho_j \ln w_{jit} T + \varepsilon_{it} \end{aligned} \quad (1)$$

Бунда $\ln(TC_{it})$ – жами харажатлар логарифми,

$\ln TA_{it}$ – t даврдаги i банкнинг жами активлари ҳажмининг логарифми, $\ln w_{jit}$ – t даврдаги i банкнинг j турдаги харажатлари нархининг логарифми, T эса вақт тренди бўлиб, у банк тизимидаги технологик ўзгаришларни ифодалайди. $\alpha, \beta, \gamma, \psi, \theta, \kappa, \rho$ лар эконометрик баҳоладиган коэффициентлар бўлиб, ε_{it} – эса статистик хатоликни ифодалайди.

Ушбу модель баҳолангандан кейин банкларнинг маржинал харажати ҳисоблашимиз лозим ва у қуйидаги формулага асосланади:

$$mc_{it} = \frac{TC_{it}}{TA_{it}} \left[\beta_1 + \beta_2 TA_{it} + \sum_{j=1}^3 \gamma_j \ln w_{jit} + \kappa T \right] \quad (2)$$

Маржинал харажатлар ҳисоблангандан сўнг Лернер индекси қуйидагича ҳисобланди:

$$Lerner_{it} = \frac{p_{it} - mc_{it}}{p_{it}} \quad (3)$$

Бунда, p_{it} – t даврдаги i банкнинг жами активлари баҳоси бўлиб, у жами даромадларни жами активларга нисбати сифатида ҳисобланган бўлса, mc_{it} – эса t даврдаги i банкнинг жами активларнинг маржинал харажати ҳисобланади.

Статистик маълумотлар манбаси ва тасвирий статистикаси

Жами харажатлар (ТС) иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда бошқа операция харажатлардан иборат. Жами активлари ҳажми – TA_{it} банкларнинг балансидаги жами активлар ҳажми ҳисобланади. Харажатлар нархи ҳам уч хил турга ажратилган: жалб қилинган маблағлар нархи (w_1) – жами фоизли харажатларнинг жами мажбуриятларга нисбати, асосий фондлар нархи (w_2) – бошқа операция харажатларнинг жами асосий воқеаларга нисбати, ишчи кучи нархи (w_3) – прокси сифатида ишчи кучи харажатларининг активларга нисбати олинди. Шунингдек, вақт тренди (T) назорат қилувчи ўзгарувчи сифатида моделга қўшилган.

Кузатувлар Ўзбекистон банк бозорида 1999–2018 йилларда фаолият юритган банкларнинг балансланмаган статистик маълумотлари асосида тузилди. Қуйидаги жадвалда ўзгарувчиларнинг тасвирий статистикаси келтирилган.

Ўзгарувчилар тасвирий статистикаси, минг сўмда (1999-2018 йй.)

Ўзгарувчи	Кузатувлар	Ўртача	Стд. чет.	Минимум	Максимум
$\ln(TC_{it})$	540	16,30	2,22	8,70	25,89
$\ln w_{1it}$	537	-1,44	1,37	-8,59	5,14
$\ln w_{2it}$	531	-0,69	0,85	-3,20	4,46
$\ln w_{3it}$	532	-0,25	0,78	-3,70	1,97
$\ln(TA_{it})$	541	-1,93	2,27	-8,50	3,35

Манба: Статистик маълумотлар «Банк ахборотномаси» газетаси ҳамда тижорат банклари томонидан эълон қилинадиган молиявий ҳисоботлар.

1-жадвалда реал нархлар ҳақиқий ҳолатни ифодалагани учун барча ўзгарувчилар 2008 йил нархларига нисбатан реал ҳолатга келтирилган.


Эмпирик натижалар ва таҳлил

Юқорида келтирилган модель асосида ҳар бир банкнинг Лернер индекси баҳоланди. Қуйидаги чизмада банклар ва йиллар кесимида индекс натижалари келтирилган. Банкнинг Лернер индекси нолга яқинлашиши банкнинг монополкучикамлиги ва банк «маҳсулотлари» нархини белгилашда устунликка эга эмаслигини англатади. Аксинча, индекс қиймати

бирга яқинлашиши банкнинг монопол кучи юқорилиги ва банк «маҳсулотлари» нархини белгилашда устунлигини англатади.

Қуйидаги расмдан банкларнинг монопол кучи тақсимооти нотекис тақсимланганлигини кўриш мумкин.

Ўртача олганда 1999 йилда банк тизимидаги рақобат муҳити 0,5 га тенг бўлган бўлса, 2018 йилга келиб ушбу кўрсаткич 0,27 га тенг бўлган. 2003 йилдан 2016 йилгача ўртача Лернер индекси нисбатан барқарор ҳолатда бўлган. Умумий таҳлил даврида Лернер индекси ўртачаси йиллик 3 % га пасайган бўлса, 2018 йилда ол



1-расм. Лернер индекси ва унинг йиллар кесимидаги ўртачаси.


динги йилга нисбатан индекснинг 25 % га кескин пасайганлигини кўриш мумкин. Худди шундай кескин пасайиш 2001–2003 йилларда ҳам кузатилган бўлиб, йиллик пасайиш 18 % ни ташкил қилган. Бу ҳолат банк тизимида монопол рақобат вақт ўтган сари кучаяётганлигини англатади.

Қуйидаги чизмада турли мулкчилик шаклига кўра, гуруҳланган банкларнинг йиллар кесимида Лернер индекси келтирилган. Натижаларга кўра, давлат бевосита ва тўлиқ эгалик қилувчи банкларнинг монопол кучи таҳлил даврининг бошида юқори бўлган бўлса, вақт ўтиши билан у пасайиб борган. Жумладан, ўртача олганда, давлат банкларининг Лернер индекси биринчи беш йилликда 0,50 дан юқори бўлган бўлса, охириги беш йилликда у 0,30 га яқин бўлган. Ушбу натижа давлат банкларининг монопол мавқеи пасайиб, банк «маҳсулотлари» нархини белгилашдаги устунлиги камайганлигини кўрсатмоқда.

Давлат билвосита эгалик қилувчи банкларнинг Лернер индекси ҳам вақт ўтиши билан пасайиб борган. Бироқ, ушбу гуруҳдаги банкларнинг Лернер индекси дисперсияси давлат бевосита эгалик қилувчи банкларникига қараганда йирикроқлигини кўриш мумкин. Хусусан, давлат бевосита эгалик қилувчи банкларда нисбатан бир хил монопол куч мавжуд бўлиб, давлат билвосита эгалик қилувчи банкларда

монопол куч нотекис тақсимланган. Бундай нотекис тақсимот банклар иқтисодиётнинг қайси тармоғига ихтисослашганлиги билан изоҳланиши мумкин. Яъни, ҳукумат стратегик аҳамиятга эга тармоқларни молиялаштиришга ихтисослашган банкларга ресурсларни қўлга киритиш билан боғлиқ бўлган айрим имтиёз ёки устунликларни бериш йўли билан уларнинг монопол кучини оширган. Стратегик аҳамиятга молик бўлмаган соҳаларга алоқадор банклар эса ресурсларни қўлга киритишда ва уларга нарх белгилашда паст даражадаги монопол мавқега эга бўлган.

Хусусий банкларнинг Лернер индекси тақсимотидан уларнинг бозордаги монопол кучи нотекис тақсимланганлигини кўриш мумкин. Ушбу гуруҳдаги айрим банкларнинг монопол кучи жуда юқори бўлиб, улар бозорда нарх белгилашда устунликка эга бўлган. Бунинг асосий сабабини ушбу банкларда хизмат сифатининг тезлиги ҳамда «маҳсулот»ларни миқдорларга тақдим этишда инновацион технологиялардан кенг фойдаланилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Хусусий банкларнинг ўртача Лернер индексидан уларнинг монопол кучи бошқа мулкчилик шаклига эга банкларникидан пастроқ эканлигини кўриш мумкин. Бундан хусусий банклар кучлироқ монопол рақобат шароитда фаолият юритади, деб хулоса қилиш мумкин. Шунингдек, айрим хусусий банклари-



2-расм. Мулкчилик шаклига кўра, йиллар кесимида Лернер индекси.

Лернер индекси, 1999-2018 йиллар

Йиллар	Кузатув- лар	Нарх	Мар- жинал харажат	Лернер индекси
1999	19	0,16	0,08	0,50
2000	21	0,21	0,11	0,48
2001	28	0,22	0,11	0,49
2002	29	0,83	0,56	0,41
2003	23	0,16	0,11	0,33
2004	23	0,19	0,12	0,34
2005	25	0,16	0,10	0,36
2006	25	0,13	0,08	0,36
2007	25	0,13	0,08	0,40
2008	25	0,13	0,08	0,39
2009	29	0,13	0,09	0,34
2010	27	0,12	0,08	0,35
2011	27	0,13	0,09	0,35
2012	25	0,12	0,08	0,34
2013	23	0,12	0,08	0,34
2014	24	0,98	0,84	0,32
2015	24	0,13	0,08	0,36
2016	25	0,11	0,08	0,31
2017	25	0,12	0,08	0,36
2018	24	0,10	0,07	0,27

нинг Лернер индекси нолга яқин қийматга эга бўлиб, бу ушбу банклар нарх белгилашда ҳеч бир устунликка эга эмаслигини ҳамда монопол кучи деярли мавжуд эмаслигини англатади.

Хорижий банкларнинг ўртача Лернер индекси вақт ўтиши билан тушаётганлигини кўриш мумкин. Аммо, бошқа мулкчилик шаклига эга банклар билан солиштирилганда хорижий банкларнинг монопол мавқеи ошаётганлигини кўриш мумкин. Хорижий банклардаги хизмат кўрсатиш сифати юқорилиги ҳамда ресурс билан боғлиқ муаммолар камлиги уларда монопол мавқенинги ошишига олиб келган бўлиши мумкин.

Банкларнинг Лернер индексини ҳисоблашда асосий кўрсаткичлар нарх ва маржинал харажат бўлиб, улар таҳлилини амалга ошириш ҳам рақобат муҳити ҳақида тўлиқроқ тушунча пайдо бўлишига олиб келади. Қуйидаги чизмада йиллар кесимида банкларнинг умумий «маҳсулотлари» бўйича ўртача нарх ва маржинал харажат келтирилган. Таҳлилни маржинал харажатлардан бошлайдиган бўлсак, рақамлардан кўриш мумкинки, маржинал харажат икки марта, яъни 2002 ва 2014 йилларда кескин кўтаририлганини ҳисобга олмаганда йиллар давомида барқарор 0,08 атрофида бўлган. Айниқса, 2006 йилдан кейин маржинал харажатда деярли ўзгариш бўлмаган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, банклар «маҳсулот ишлаб чиқаришини» бир бирликка ошириши уларнинг умумий харажати йиллар давомида сезиларли даражада оширмаган.

Банк «маҳсулотлари» нархи бўйича таҳлилни амалга оширадиган бўлсак, жадвалдан кўриш мумкинки, нархлардаги ўзгаришлар, маржинал харажатлардаги ўзгаришлардан кўпроқ. Шунинг учун ҳам нархларнинг стандарт оғиши (0,24) маржинал харажатлар стандарт оғишидан (0,19) кўра йирикроқ қийматга эга бўлган. Бундан банкларда монопол куч мавжуд бўлмаганлиги сабабли, улар маржинал харажатлари ошмаган тақдирда ҳам нархларни ошира олганлигини хулоса қилсак бўлади. Қизиқ бир ҳолат 2016 йилдан кейин кузатилган бўлиб, бунда банклар маржинал харажатлари тушмаган ҳолатда ҳам нархларни тушира бошлаган.

Шунингдек, 2018 йилга келиб маржинал харажат биринчи марта 0,07 га тушган. Яна бир монополияни кўрсатувчи ҳолат шуки, маржинал харажатлар кўпайганда банклар нархларни маржинал харажатлардан кўпроқ оширишган.

Хулоса

Илмий тадқиқотимизда Ўзбекистон банк тизимидаги рақобат муҳитини таҳлил қилишда рақобатни баҳолашнинг нотузилмавий методидан фойдаланилди. Хусусан, Лернер индекси асосида ҳар бир банкнинг монопол кучи эмпирик баҳоланди. Амалга оширилган таҳлиллarga кўра, Ўзбекистон банклари мукамал рақобат ёки монополия шароитида фаолият юритмайди. Таҳлил натижаларидан хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон банк тизимида монополлашган рақобат муҳити мавжуд. Шунингдек, ушбу монополлашган рақобат муҳити вақт ўтиши билан кескинлашмоқда.

Таҳдидларимизга кўра, хусусий банкларнинг бозордаги монопол кучи бошқа мулкчилик шаклига эга бўлган банкларга қараганда сезиларли даражада паст бўлиб, бу ҳукуматга банк бозорига янги хусусий банкларнинг киришини енгиллаштириш учун муҳим ишора

бермоқда. Шунингдек, 2016 йилдан кейинги даврда банк тизимини ислоҳ қилиш бўйича бошланган кенг қамровли чора-тадбирлар банк бозоридаги рақобатни самарали тарзда оширмоқда.

Манба ва адабиётлар

1. Panzar J.C., Rosse J.N. Testing for «monopoly» equilibrium // J. Ind. Econ. – 1987. – Pp. 443-456.
2. Panzar J.C., Rosse J.N. Structure, conduct, and comparative statistics // Bell Telephone Laboratories. – 1982.
3. Lerner A.P. Economic theory and socialist economy // Rev. Econ. Stud. – 1934. – Vol. 2. – No. 1. – Pp. 51-61.
4. Chamberlin E.H. Measuring the degree of monopoly and competition in Monopoly and competition and their regulation // Springer. – 1954. – Pp. 255-267.
5. Leon F. Measuring Competition in Banking: A Critical Review of Methods // CERDI Work. Pap. – 2014.
6. Kasman A., Carvalho O. Financial stability, competition and efficiency in Latin American and Caribbean banking // J. Appl. Econ. – 2014.
7. Kasman S., Kasman A. Bank competition, concentration and financial stability in the Turkish banking industry // Econ. Syst. – 2015.
8. Diallo B. Bank competition and crises revisited: New results // Econ. Lett. – 2015.
9. Leon F. Does bank competition alleviate credit constraints in developing countries // J. Bank. Financ. – 2015.
10. Love I., Martínez Pería M.S. How bank competition affects firms' access to finance // World Bank Econ. Rev. – 2015.
11. Tan Y., Floros C. Risk, competition and efficiency in banking: Evidence from China // Glob. Financ. J. – 2018. – Vol. 35.
12. Arrawatia R., Misra A., Dawar V., Maitra D. Bank Competition in India: Some New Evidence Using Risk-Adjusted Lerner Index Approach // Risks. – 2019. – Vol. 7. – No. 2. – Pp. 44.
13. Horvath R., Seidler J., Weill L. How bank competition influences liquidity creation // Econ. Model. – 2016. – Vol. 52. – Pp. 155-161.
14. Huang T.-H., Liu N.-H., Kumbhakar S.C. Joint estimation of the Lerner index and cost efficiency using copula methods Empir // Econ. – 2018. – Vol. 54. – No. 2. – Pp. 799-822.
15. Liu T.H.N. Joint estimation of the Lerner index and cost efficiency // Empir. Econ. – 2017. – No. 64.
16. Spierdijka L., Zaourasa M. Measuring banks market power in the presence of economies of scale: A scale-corrected Lerner index // J. Bank. Financ. – 2018. – Vol. 87. – Pp. 40-48.
17. Coccoresse P. Estimating the Lerner index for the banking industry: a stochastic frontier approach // Appl. Financ. Econ. – 2014. – Vol. 24. – No. 2. – Pp. 73-88.
18. Berg S.A., Kim M. Oligopolistic interdependence and the structure of production in banking: an empirical evaluation // J. Money, Credit Bank. – 1994. – Vol. 26. – No. 2. – Pp. 309-322.
19. Berger A.N., Klapper L.F., Turk-Ariss R. Bank competition and financial stability in Handbook of Competition in Banking and Finance // Edward Elgar Publishing. – 2017.
20. Fernandez de Guevara J., Maudos J., Perez F. Market Power in European Banking Sectors // J. Financ. Serv. Res. – 2005. – Vol. 27. – No. 2.
21. Shaffer S. A test of competition in Canadian banking // J. Money, Credit Bank. – 1993. – Vol. 25. – No. 1. – Pp. 49-61.

Тақризчи:

Холмаматов Ф.К., иқтисодиёт фанлари бўйича PhD, «Банк иши» кафедраси доценти, Тошкент Молия институти.